Қодирқул РЎЗМАТЗОДА,
ФарДУ доценти, фалсафа фанлари номзоди

ҒАРИБИЙНИНГ *ғариб ва изтиробли ҳаёти*



Хожаназар Ҳувайдонинг тасаввуфий ғояларини XIX аср охири – XX аср ўрталарида кенг тарғиб этган ва ижодий ривожлантирган мутасаввиф шоирлардан бири Мулло Умурзоқ Абдували ўғли Ғарибий (1877 – 1961)дир.

Тадқиқотчи Д. Л. Зоҳидова Пўлатжон Қаюмовнинг “Тазкираи Қайюмий” асарига таяниб, Мулло Умурзоқ Ғарибий Ҳувайдонинг чевараси эканлигини асослашга ҳаракат қилади[1]. Бу ерда Д. Зоҳидова Ғарибийни Ҳувайдонинг ўшлик набираси Сирожиддин (Сирожий)нинг авлоди деб ҳисоблайди. Ҳолбуки, Ғарибийнинг ўғли Мулло Абдуллажон Мақсум Хожининг гувоҳлик беришича, отаси она томонидан Ҳувайдонинг чимёнлик набираси Шарафиддин (Хожимуҳаммад)нинг авлоди ҳисобланади. Ғарибийнинг отаси Мулло Абдували Мақсум чимёнлик машҳур уламо Аловуддин Эшоннинг авлодидир[2].

Мулло Умурзоқ Ғарибий 1877 йили Марғилон беклигига қарашли Ёрмозор мавзеида дунёга келди. Бошланғич диний таълим ва тарбияни оила шароитида отасидан олгач, Ёрмозордаги мадрасада ўқиди. Кейин Бухоро мадрасаларидан бирида билимларини такомиллаштирди. Унинг шеъриятга бўлган иштиёқ ва ҳаваси жуда эрта бошланди: 15-16 ёшларида шеър ёза бошлади: араб ва форс тилларини чуқур ўзлаштирди. Буюк бобоси Хожаназар Ҳувайдо ижодий меросини ўрганишга бўлган иштиёқ уни ўзига муносиб пир излашга ва тариқатга киришга ундади.

Ғарибий нақшбандия тариқатининг Ҳиротдаги машҳур шайхларидан бири Ислом Шайхдан тасаввуф илмини олиб, тариқат йўлига кирганлиги ва сирли илмлар насиб этгани ҳақида шундай ёзади:

Нечук шод ўлмайин, дўстлар, манинг
ҳожатбарорим бор,
Хирот мулкин босиб ётгон қизил туғлуғ
мазорим бор.
Насиб этти манингдек осийга Ҳазрат
сулукидин,
Бўлуб ҳуррам, Худога ҳар замон шукри
хазорим бор.
На гам ман телбага бу фоний дунё
кори боридин,

[1] Зоҳидова Д. Л. Ғарибий ва унинг девони. Филол. фан. номзоди илм. даражасини олиш учун тақдим этилган дисс.автореферати. Тошкент, 2006. 7-б.

[2] Қ. Рўзматзоданинг шахсий кутубхонасида сақланаётган Абдуллажон мақсум Хожи Умурзоқовнинг отаси ҳақидаги хотиралари.

Ўшал Ислом Шайх отлиг шаҳиди
номдорим бор[3].

Шоир ўзига “Ғарибий” тахаллусини олиш сабабларини ғарибликда ўзига пир излаш билан ўтказган оғир ва уқубатли йиллари билан изоҳлаб, шундай деб ёзган эди:

“Ғарибий” демакимдин бу эди мақсуд,
гурбатда
Неча ўткориб ибрат учун сайру саёҳатим[4].

Истеъдод эгалари ҳеч қачон якка-ёлғиз ҳолда ва тасодифан дунёга келмайдилар. Мулло Умурзоқ Ғарибийнинг мутасаввиф-шоир сифатида камол топишида унга яқин замондош бўлган Хожажон Хожа Рожий Марғиноний (1834-1918), Фахриддин эшон Хокий (1835-1919), Фурқат (1859-1909), Муқимий (1850-1903), Завқий (1853-1921) сингари забардаст ижодкорлар билан яқин мулоқотда бўлиши катта ижод йўлига киришида муҳим қадам бўлганлигини ўз эсдаликларида қайд этган[5]. Ғарибийнинг Хожажон Хожа Рожий Марғиноний ғазалларига мухаммас боғлаганлиги факти ҳам унинг Рожий билан яқин ижодий мулоқотда бўлганлигини тасдиқлайди[6].

Ғарибий 34 ёшида, яъни 1911 йили “Девон” тузди. Бу даврга келиб, Ғарибий ўз тасаввуфий маслак ва мақсадида қатъий турувчи етук шоир сифатида жамиятда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий ўзгаришларга, айниқса, Октябрь инқилобига ўз муносабатини билдирар экан, адабий тахаллусини ўзгартиришга қарор қилган:

Кимики қисқача бир сўзга соҳиб бўлса,
мухбирдир,
Бу “Мухбир”ликда саккиз йил чу зое кечти
авқотим.
Анинг-чун нақл этиб, “Шуҳрат” тахаллус
айладим, токим,
Чиқилсун иштибоҳдин, бу эрур бергон
башоратим[7].

Ғарибий “ишчи-деҳқон ҳукумати”, “меҳнаткашлар давлатининг” 30-йиллардаги оммавий қатағонларининг жонли гувоҳига айланди. Ҳақиқатни кўрсатиш учун қизғин ижод билан шуғулланди. Қалби тубидан отилиб чиққан норозилик ва нафрат ҳиссини ошкор қилмасликка, туғёнларини форсий тилда ёзишга аҳд қилди. Бу ҳақда шоир шундай деб ёзди:

Бу нима, аҳбоблар, сизларга совға қилмадим,
Беркитиб агёрдин, сирримни ифшо
қилмадим.
Мурдадиллар бор эди мажлисда
таҳқири назар.
Нутқи шўр ангиз ила қалбини иҳё
қилмадим.
Шўразора дона сочмоқ айни нодонлик
билиб,
Хайф деб дур сочмадим, бир дона бежо
қилмадим[8].

Инсон ҳуқуқларини поймол этиш оддий ҳолга айланган оғир ва мусибатли шароитда Ғарибий ислом дини ва тасаввуф ғояларини ман этган тузумнинг бир замонлар жаҳон маданияти ва цивилизациясининг ўчоғи бўлган Туркистонни кофиристонга айланганлигини изтироб билан таъкидлади:

Ҳама мағрур шуда ба сийму зар,
Ғофил аз кирдигор мебинам.
(Ҳамманинг кумуш-зардан мағрурлигини,
Худодан бехабар эканини кўрдим)
Кофиристон шуда вилояти мо,
Фисқу бешумор мебинам.
(Бизнинг вилоятимиз кофиристон бўлди,
Фисқу фасоднинг хадсиз эканини кўрдим)

Шоирнинг қатъий ишончига кўра, ислом дини ўзининг минг йилдан ортиқ тарихи давомида мусулмон халқларнинг фақат иймон-эътиқодигина эмас, балки ҳаёт ва тафаккур тарзи, маънавиятининг ажралмас бир бўлаги, ҳаёт қомусига айланган эди. Шу боисдан ҳам шоир шўролар даврида диндорлар ва динга қарши олиб борилган оммавий қатағонда фақат диннинг таназзулини эмас, балки миллий маданият ва маънавиятнинг ҳам фожиасини кўрди:

---

[3] Ўша манба. 11-12-б.

[4] Д. Зоҳидова нашрга тайёрлаган ва унинг шахсий кутубхонасида сақланаётган Ғарибийнинг қўлёзма девони. 24-б.

[5] Зоҳидова Д. Л. Ғарибий ва унинг девони. Филол. фан. номзоди илм. даражасини олиш учун тақдим этилган дисс. автореферати. Тошкент, 2006. 8-б.

[6] Мадғозиев Муҳаммаджон. Хожажон Хожа Рожий Марғиноний: К III / М.Мадғозиев, Р. Файзуллаев, Н. Абдулаҳатов; масъул муҳаррир А.Мансур. - Тошкент: “Noshir”, 2016. 463-465-б.

[7] Д. Зоҳидова нашрга тайёрлаган ва унинг шахсий кутубхонасида сақланаётган Ғарибийнинг қўлёзма девони. 24-б.

[8] Ўша жойда, 9-б.

Ваҳ, ажаб давру замона эл аро андишасиз
Айлашур турфа ҳақорат бир-бирин жанг-жўйлар.
Бу жаҳон оқиллара мотамсародур доимо
Ахмақу нодонлара ҳар соате минг тўйлар.
Бу на ҳолатдур, Ғарибий, қилмасанг ҳижрат бу дам,
Бода кетгай умри азизинг гом уруб ҳар кўйлар[9].

Агар Ғарибийнинг яқин замондоши Хожажон Хожи Рожий Марғиноний (1834 – 1918) ўн еттинчи йил Октябрь инқилобини:

Дунни азиз этибдур давроннинг инқилоби,
Вазъи замонани кўр: ер осмон эмасму[10],

яъни давроннинг инқилоби дунни (пасткашларни) азиз этибди, замонанинг тартибини кўр: ер осмон эмасми? деб тавсифлаган ва бундай тартиб соғлом ақлга зид эканлигидан афсусланган бўлса, Мулло Умурзоқ Шуҳратий "Дар аҳволи замона" мухаммасида:

Ажабким, юрт уза авбошлар сардор сар то по,
Бўлуб дунон мубошир, бехирад зардор сар то по,
Бўлубдур гуфтигўси беҳуда гуфтор сар то по,
Назар қилсам, замона аҳлидур таррор сар то по,
Ямонлар эътибору яхшилар хор сар то по[11]. *(авбош – безори, сар то по – бошидан оёгигача, сардор оддий* – бошлиқ, мубошир – назоратчи, бехирад – ақлсиз, гуфтугў – нотиқ, таррор – ўғри).

Мулло Умурзоқ Ғарибий янги тарихий шароитда Ҳувайдонинг илғор тасаввуфий ғояларини изчил давом эттирди. Ҳувайдонинг машҳур:

Минибким ишқ тахтига ўзимни шаҳриёр эттим,
Кўнгулни шаҳрига ҳукмум юритиб эътибор эттим[12] – деб бошланувчи ғазалига боғлаган мухаммасида чимёнлик дўсти Худо (Ҳувайдо)нинг тариқи ишқ ғояларини янгича мазмун билан бойитди: шоир дунёга келибоқ ўзини Аллоҳ ишқига бағишлаб, дашту саҳроларни кўз ёшлари билан лолазор этганини, ишқ дардини кўнглига сиғдира олмай, ошкор қилганини, худди Мажнуни расводек ҳамиша Лайли ҳажрида йиғлаб, юрак-бағрини доғлаганини, аммо вақти-вақти билан вужуд мулкини кибр ва ғурур бузаётганини рўй-рост баён этди; замондошларини бу дунёга меҳр қўйиш хато эканлигидан, бақосиз ва вафосиз дунёдан қанча одамлар жигар-бағри қон бўлиб кетганидан огоҳлантирди:

Бақоси йўқ жаҳондин нечалар хуни жигар кетти,
Қилиб зоди сафарни, ўзларидин бехабар кетти,
Ғарибий, зуд бўлгил, йўлда қолдинг, роҳбар кетти,
Кўзинг очиб томоша қил, Ҳувайдо, яхшилар кетти,
Демагил мунда, эй гофил, турарни ихтиёр эттим[13].

Замондошларига хос камчилик ва нуқсонларни, гуноҳ ва ёмон амалларни ўзининг шахсий гуноҳи, камчилик ва нуқсонлари сифатида фош этиш анъанаси Мулло Умурзоқ Ғарибий ижодида ҳам яққол кўзга ташланди:

...Дарду доғу гам бирлан, юз туман алам бирлан,
Лаҳза бўлмагон хурсанд бағри қон Ғарибийман.
Хаста, ожизу мискин, нотавон, заифдурман,
Амри Ҳақни жон бирлан қилмагон Ғарибийман.
Ўйласам бу оламда ман каби ямон йўқтур,
Неку бад кўруб, ибрат олмагон Ғарибийман.
Ўткариб абас умрум, қилмадим даме афсус,
Зиндаликни қадрини билмагон Ғарибийман.
Кўҳна лангари олам, карвон эрур одам,
Ўтгучи тушиб бир дам меҳмон Ғарибийман[14].

XX аср ўрталарида тасаввуфий ҳаракатнинг сўна бошлаганлиги Ғарибий асарларида яққол кўзга ташланди. Мутасаввиф-шоир бу даврда энди оддий мусулмонларга мурожаат қилар экан, иймон-эътиқодни сақлаш, кибру

[9] Д. Зоҳидова нашрга тайёрлаган ва унинг шахсий кутубхонасида сақланаётган Ғарибийнинг қўлёзма девони. 24-б.

[10] Ўша жойда, 9-б.

[11] Зоҳидова Д. Л. Ғарибий ва унинг девони. Филол. фан. номзоди илм. даражасини олиш учун тақдим этилган дисс. автореферати. Тошкент, 2006. 15-б.

[12] Хожамназар Ҳувайдо. Девон. Иккинчи нашр.Т.: "Янги аср авлоди", 2017. 159-б.

[13] Д. Зоҳидова нашрга тайёрлаган ва унинг шахсий кутубхонасида сақланаётган Ғарибийнинг қўлёзма девони. 24-б.

[14] Д. Зоҳидова нашрга тайёрлаган ва унинг шахсий кутубхонасида сақланаётган Ғарибийнинг қўлёзма девони. 11-б.

ҳавони тарк этиш, Аллоҳнинг буйруқларини бажариш учун уларни инсофли бўлишга чақирди:

...Дунё дегон нажасдур, толиблари магасдур,
Кўнглида минг ҳавасдур, эй банда, келтур инсоф.
Англаб Ғарибий пандин, узгил ҳавони бандин,
Туш пастга бу баланддин, эй банда, келтур инсоф[15].

Ғарибий хос аҳлининг ҳаётий мақсад-муддаолари билан илмсиз авомнинг ҳаётий маслак, муддао ва интилишлари бир-бирига зид эканлигини таъкидлади:

Бу жаҳон айвонида ҳар кимсада бир муддао,
Бизга – жонон васли, дун аҳлига дунёдур гараз[16].

Мутасаввиф-шоир кишиларни ҳалол меҳнат билан ҳаёт кечиришга чақирар экан, миннат қилувчи одамдан бир парча нонни таъма қилгандан кўра, бир бурчакда дард чекиб ўлишни афзал деб ҳисоблади:

Ўлган афзалдур кишига кунжда тортиб важаъ
Қилгондин порае нон аҳли миннатдин тамаъ.
Халқ ичинда хор бўлмаслик агар кўнглингдадур,
Нафси бад бошини янчиб, баъд аз он қилгил караъ[17].

Такаббурлик шайтоннинг феълидир, бу иллат мусулмон одамнинг кўнглидан жой олмаслиги керак. Инсон қалбида дунёвий орзу-ҳавас, молу дунёга меҳр қанча бўлса, унинг Аллоҳ сари бориши йўлида шунча ғов, девор бордир:

Кўнгулда дунёвийдан қанчадур, масдуди рохингдур,
Кел, эмди зикри Ҳақ бирлан кўнгул мулкин сафо қилгил[18].

Ғарибийнинг таъкидлашича, Каъбани зиёрат қилишдан олдин ота-онани зиёрат қилиш, уларнинг кўнгилларини шод қилиш яхшироқдир:

Тавофи Каъба қилмоқ хотирингда бўлса, эй банда,
Ато бирла анонинг хизматин айлаб, ризо қилгил.

Нодон одамнинг суҳбати охир-оқибатда кишини йўлдан оздиради, унинг суҳбатидан ҳеч қандай наф бўлмайди, шу боис нодон одамлардан нафратланиш ва улардан қочиш лозим:

Суҳбати нодон қилур нодон кишини оқибат,
Нафъи йўқ, нафрат керак қилмоқ анингдин зуд, ҳеч[19]

Таниқли немис шарқшуноси Аннемарие Шиммел мумтоз тасаввуф адабиётида аёлни нафс билан таққослаш ҳоллари мавжудлигини эътироф этади[20]. Ғарибий буюк мутасаввиф-шоирлар изидан бориб, ёмон нафсга қарши кураш фақат мард кишиларнинг иши эканлигини таъкидлайди.

Ғарибий ижоди, бизнингча, икки жиҳатдан эътиборга лойиқдир: биринчидан, буюк бобоси Хожаназар Ҳувайдонинг ижодий анъаналарини давом эттириб, шеърий девон тузди ва унинг тасаввуфий ғояларини янги тарихий шароитда давом эттирди. Иккинчидан, Ғарибий ўз замонасининг фаол фарзанди, ижодкор шахс сифатида XIX аср охири ва XX аср бошларида мамлакатда ҳукм сурган ижтимоий тартиб, диний-тасаввуфий ҳолатга ўзининг фаол муносабатини билдирди: зулм, истибдод, нодонлик, жаҳолат ва зўравонликни кескин қоралади. Айни вақтда умумбашарий қадриятлар (иймон, эътиқод, ҳалоллик, ожизларга ғамхўрлик, миллатлараро тотувлик, дўстлик, ҳамкорлик, ижтимоий барқарорлик, одамийлик, самимийлик, ростгўйлик)ни кенг тарғиб этди:

Яхшиликдин қил ўзинг оламда машҳури жаҳон,
Яхшиликка эл аро анбор бўлгон яхшидур.
Тонимасдин тан бериб, сўргонда дар дорул қазо
Ҳар киши ўз айбига иқрор бўлгон яхшидур.
Бефаросат бўлма, гафлат аҳлидин қочиб қутул,

[15] Ўша жойда. 10-б.
[16] Ўша жойда. 4-б.
[17] Ўша жойда, 4 – 5-бетлар.
[18] Ўша жойда.
[19] Ўша жойда, 7-б.
[20] Аннемарие Шиммел. Жонон менинг жонимда. Ислом оламида хотин-қизлар сиймоси (олмон тилидан Йўлдош Парда таржимаси). Тошкент, "Шарқ" нашриёт-матбаа концерни Бош таҳририяти, 1999. 14-б.

Онча, Шуҳрат, кўз очиб, ҳушёр бўлгон яхшидур[21].

Ғарибий ижодининг яна бир қимматли жиҳати шундаки, у ўзига замондош ва маслакдош бўлган нақшбандия тариқатининг машҳур пири – Ислом Шайхнинг XX аср бошларида Марказий Осиёда фаолият кўрсатган машҳур халифалари: ҳиротлик халифа Неъматуллоҳ, балхлик Баҳоуддин, халифа Қамариддин, халифа Шамсиддин, хўжандлик халифа Тоҳир, бўрборлиғлик Атоуллоҳ (халқ орасида "Дўсти Худо" номи билан эъзозланган), хастжўйлик халифа Дўстмуҳаммад, хўқандлик Фақридин, шаҳрихонлик халифа Эшмуҳаммад ҳақида қисқача маълумот беради[22]. Бу ўша давр тасаввуфининг тарихини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Мулло Умурзоқ Ғарибий буюк бобоси Хожаназар Ҳувайдо ғояларига содиқ бўлиб қолар экан, унинг ғояларидан замондошларини баҳраманд этиш ва унга муносиб ворис бўлишни ўзининг эзгу мақсади, ҳаётининг мазмуни деб билди:

Бу Чимён мулкида дўсти худо жаддим, мададкорим,
Ҳамиша равзасини бўса айлаб, юз сурорим бор.

Сифоти марди Ҳақларга, Ғарибий, андалиб янглиг
Ҳаётим борича афгон чекиб, тунлар қаторим бор[23].

Хуллас, XX аср ўрталарида ўзининг сермаҳсул ижоди ва фаолияти, ноёб инсоний хислатлари, тақводорлиги, валийлик фазилатлари билан замондошлари ўртасида катта обрў-эътибор топган Мулло Умурзоқ Ғарибий буюк бобоси Хожаназар Ҳувайдонинг тасаввуфий ғояларини изчил давом эттирди; ҳатто зулм ва истибдод ҳаддан ташқари кучайган шароитда ҳам мўмин-мусулмонлар ўз иймон-эътиқодини сақлаб қолиши, Аллоҳ олдидаги бурчи, вазифасини адо этиши, тасаввуфий ҳолга мушарраф бўлиш мумкинлигини ўз фаолияти мисолида кўрсатди.

Тасаввуфнинг таваккул мақомига эришган валийлар шахсий ва ижтимоий ҳаётда рўй берган яхшилик ёки ёмонликни тақдири азалнинг ҳукми, Аллоҳнинг хоҳиш-иродаси, синови, имтиҳони сифатида қабул қиладилар. Айбни ташқаридан, бошқалардан эмас, балки ўзларининг ёмон феълидан деб биладилар. Мулло Умурзоқ Ғарибий ана шундай камолот соҳиби эди.

[21] Д. Зоҳидова нашрга тайёрлаган ва унинг шахсий кутубхонасида сақланаётган Ғарибийнинг қўлёзма девони. 25-26-бетлар.

[22] Ўша жойда. 11-12-бетлар.

[23] Ўша жойда, 12-б.